Каримов Олим Косимович — Бухоро йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Бухоро вилояти
Каххаров Сайдали Махсудович — «Андижон механика заводи» шўъба корхонасининг пайвандлаш технологияси бўйича етакчи муҳандиси, Андижон вилояти
Реймов Тенелбай Базарбаевич — «Тахياتош иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг 1-қозон турбина цехи катта машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси
Сайдов Бахтиёр Пардаевич — «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш мажмуаси тайёрлов цехи устаси, Самарқанд вилояти
Утамов Жумабой Сапарбаевич — «Экосан» халқаро хайрия жамоат фонднинг Хоразм вилояти ҳудудий ташкилоти директори
Халиков Акборжан Морданович — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб чиқариш навбати бошлиғи, Навоий вилояти
Халимжаев Ботир Каршибаевич — «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти бош директорининг янги технологияларни татбиқ этиш бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти
Юнусов Алишер Асрорович — «Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдиев Утбасар Рустамович — «Нуроний» жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси
Алиев Сахиджан — меҳнат фахрийси, Фарғона вилояти
Алимова Хосиятхон Уриновна — Избоскан туманидаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти
Ахмеджанов Тулкун — меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти
Ахмедов Абдукарим Абдурахманович — Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси
Бакиров Ралиф Рафисович — «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятининг аммиак цехи муҳандис-технолог, Фарғона вилояти
Джалилов Шухрат Илхамович — «Нуроний» жамғармасининг Марказий Кенгаши раиси
Джурабеков Исмаил Хакимович — меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Ермакова Тамара Таировна — Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси бошлиғининг маслаҳатчиси
Жумаев Зайридин Ғиёсидинович — «Ўзгеобургунефгаз» акциядорлик компаниясининг «Минора қуриш экспедицияси» акциядорлик жамияти минора қурувчиси, Қашқадарё вилояти

Зияев Бабамурад Муратович — меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти
Иргашев Баки — меҳнат фахрийси, Қашқадарё вилояти
Каланов Рустам Абдурахимович — «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси
Керуенбаев Абдулла Молдабаевич — «Нуроний» жамғармасининг Учқудуқ тумани бўлими раиси
Косов Валерий Митрофанович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси директорининг сифат бўйича ўринбосари
Мамадалиева Курбангул Додаевна — Оқолтин туманидаги «Нурафшон орзу бўстони» фермер хўжалиғи бошлиғи, Сирдарё вилояти
Маткаримов Касимбай — «Туямўйин гидроэлектростанцияси» давлат корхонаси бош муҳандиси, Хоразм вилояти
Мешенов Азамат Самендович — «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали «Шимолӣ Ўзбекистон» кон геофизика партияси муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Мирзаев Обакул — меҳнат фахрийси, Андижон вилояти
Муталов Омонулло Нигматуллаевич — Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри
Нормурадов Хасан Норбекович — «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси
Нушаров Норкул Бозарбоевич — «Нуроний» жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими раиси
Орлова Светлана Юрьевна — Учтепа туманидаги «Ватанпарвар иноқ-коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри
Остаев Раззоқ Маризаевич — «Аму-Бухоро» машина, каналдан фойдаланиш вилоятлараро бошқармаси бошлиғи, Бухоро вилояти
Ражабов Эсанбай — Қашқадарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси
Рафиков Махаммат Мухидинович — меҳнат фахрийси, Бухоро вилояти
Рахимов Абдувахоб — «Самарқанд чой қadoқлаш фабрикаси» хорижий корхонаси филиали директори, Самарқанд вилояти
Саманов Бердибай — «Нуроний» жамғармасининг Кегейли тумани бўлими раиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Салиева Махарамой Якубовна — Қўқон шаҳридаги «Индорама Қўқон текстиль» қўшма корхонаси цех иш бошқарувчиси, Фарғона вилояти
Тагаева Гулҳумор Эргашевна — Учқўрғон туманидаги «Гулҳумор» фермер хўжалиғи бошлиғи, Наманган вилояти
Тураев Азиз Оппоқович — «Меҳр ва муруват» жамоат фонди раиси
Тураев Юсуф Шодикулович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Шимолӣ кон бошқармаси сульфат кислотаси ишлаб чиқариш цехи технологик участка бошлиғи, Навоий вилояти
Турдиев Таштемир Тураевич — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Денов тумани бўлими раҳбари, Сурхондарё вилояти
Халилов Тахир Атабекович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи бошлиғи ўринбосари, Тошкент вилояти
Халматов Эркин Иргашевич — Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи
Эргашев Рузи Саманович — меҳнат фахрийси, Сурхондарё вилояти
Якубов Илёс Номозович — «Муборакнефтьгаз» масъулияти чекланган жамиятининг бурғиланиш ва қудуқлар қурилишини назорат қилиш бўлими етакчи геологи, Қашқадарё вилояти

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

(100 ёшдан ошганлар)

Авазова Сарагул — Гурлан тумани, Хоразм вилояти
Адилов Халил — Мирзо Улугбек тумани, Тошкент шаҳри
Аллиярова Тажигул — Қонликўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси
Ахмедов Раҳим — Ўрта Чирчиқ тумани, Тошкент вилояти
Мирзаев Умар — Қўштепа тумани, Фарғона вилояти
Пардаева Жанат — Зомин тумани, Жиззах вилояти
Рустамова Бувиҳол — Чироқчи тумани, Қашқадарё вилояти
Тўйчиева Байна — Тайлоқ тумани, Самарқанд вилояти
Тухтаева Анор Бобояровна — Сайхунбод тумани, Сирдарё вилояти
Халимова Анзурат — Шофиркон тумани, Бухоро вилояти
Хошимова Хадияхон — Мингбулоқ тумани, Наманган вилояти

Чоршанбиева Қурбонхон — Бойсун тумани, Сурхондарё вилояти
Шукуров Сайфутдин — Конимех тумани, Навоий вилояти
Эшмуратова Хуринса — Избоскан тумани, Андижон вилояти

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Бахитлибай Саметович — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Чимбой тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси
Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич — «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг «Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти» акциядорлик жамияти бош директори
Абдуллаев Шавкат Хадияевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти» давлат корхонаси «Гидрогеофизика» лабораторияси мудир
Абдухаликов Тулкин Таштемирович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий таъмирлаш-механика заводи куйиш цехи пўлат эритувчиси, Тошкент вилояти
Азизова Мамурахон Абдуллаевна — Фарғона шаҳридаги «Фарғона Мадинабону-файз» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Фарғона вилояти
Азимбоева Гулнора Насимовна — Тайлоқ туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Самарқанд вилояти
Аллагулов Фарид Фидаиллович — «GM Powertrain-Uzbekistan» акциядорлик жамиятининг куйиш цехи энергетиги, Тошкент вилояти
Анаев Нарбай Асаматдинович — «Уз-Кор Газ Чемикал» қўшма корхонаси бошқаруви раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси
Арипов Искандар Абулкосимович — Самарқанд шаҳридаги «Маржона Жавоҳир сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати пайвандчиси, Самарқанд вилояти
Атоев Тўлкин Бафоевич — «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехи технологик қурилма кузатувчиси, Бухоро вилояти
Ахмедов Улугбек Эргашевич — Жалақудуқ туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Андижон вилояти
Баратов Алишер Каримович — Кармана туманидаги ҳунарманд-темирчи уста, Навоий вилояти
Бозоров Нишонбой Уришович — Жиззах шаҳридаги «Жиззах Пластикс» хорижий корхонаси бош муҳандиси, Жиззах вилояти
Буранова Тамара Салиевна — Жиззах шаҳридаги «Евро Азия савдо фаровон сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Жиззах вилояти
Буранов Дўстмурод Камбарович — Қарши шаҳридаги «Манзилбод» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати сантехник-пайвандчиси, Қашқадарё вилояти
Вапаева Рано Салиховна — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Урганч тумани бўлими раҳбари, Хоразм вилояти
Гафуров Алишер Бориевич — «Ўзмахсуссвқурилиш иxtисослашган компанияси» давлат корхонаси директорининг биринчи ўринбосари
Даминов Шухратулла Мамирович — «Сайхунбод агротехсервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сирдарё вилояти
Даулетова Гулнара Хожабаевна — Нукус шаҳридаги «Нукус Чимбой гузари иккинчи коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Джурасва Зулайха Расуловна — «Кишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг қишлоқ қурилишини кредитлаш департаменти бошлиғи
Дўсмаев Хасан Собирович — Пискент туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Тошкент вилояти
Жарилқасинова Сулу Тангирбергеновна — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонднинг Қонликўл тумани таънч пункти директори, Қорақалпоғистон Республикаси
Жумамуратова Гулмира Хожамуратовна — Кўнғирот туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Қорақалпоғистон Республикаси
Жураев Зафар Тажибаевич — «Дўстлик агротехсервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Жиззах вилояти
Жураева Озода Абдурахимовна — Навоий шаҳридаги «Хўмо зилола» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Навоий вилояти
Зохиров Рамиз Турдимуродович — Қарши шаҳридаги «Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти
Каримов Уктам Абдуллаевич — Олтинсой туманидаги майший техника таъмирлаш устаси, Сурхондарё вилояти

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» БАРЧА САНЪАТ ТУРИ МУЖАССАМ

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» ўн биринчи халқаро мусиқа фестивалига келган хорижлик меҳмонлар ўз чиқишларини намойиш этиш билан бирга турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилмоқда.

ЎЗА мухбири уларнинг мамлакатимиз ҳамда мазкур фестиваль ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

Дин Ли Юнг ВАН,
Музыка ташлими жамияти раиси
(Жанубий Корея):

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва дўстлик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Бу барча соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишимизга асос бўлмоқда. Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, меҳмондўст ва олижаноб халқи мени ўзига мафтун этган. Мамлакатингизга кўп келаман, ҳар сафар янги таассуротлар билан қайтаман. Масалан, илгари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ҳамкам сифатида иштирок этган бўлсам, бу сафар унинг доирасида ўтказилган халқаро илмий конференцияда қатнашиш учун келдим.

Кўплаб халқаро фестивалларда иштирок этганман. Уларнинг баъзиларида мусиқа, бошқасида рақс ижро этилади, яна бошқасида кўшиқ куйланади. «Шарқ тароналари» санъатнинг барча турини ўзида мужассам этган. Шунинг учун мазкур фестивалнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Шаҳид Ажмал МАЛИК,
журналист (Покистон):

— Ўзбекистон тарих ва замонавийлик уйғунлашган гўзал мамлакат. Бу ерга келган одамнинг яна келгиси келавари.

Ҳар гал фестиваль доирасида илмий анжуманлар ўтказилиши ҳам улкан аҳамиятга эга. Бу галги «Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусидаги халқаро конференция ҳам самарали бўлди. Ушбу конференция, умуман, бутун фестиваль санъат ва маданият ривожига, халқларнинг бир-бирини тушуниши ва дўстлашишига ҳисса қўшади.

Муҳаммад МОУСАВИЙ,
МАНООР маданият ва санъат
институтини директори (Эрон):

— Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлганман. Юртингизга қайта-қайта келишни истайвераман. Бу ерга нафақат «Шарқ тароналари»да иштирок этиш учун, балки мусиқа завқини туйиш, ўзаро тажриба алмашиш, бошқа мамлакатларнинг маданиятини ўрганиш учун келдим. Тўғри, фестиваль қатнашчилари турли тилда сўзлашади, аммо санъатга, мусиқага таржимон керак эмас!

Мен «Шарқ тароналари»ни дунёдаги энг етакчи мусиқа фестивалларидан бири, деб ҳисоблайман.

ЎЗА мухбири
Бекзод ҲИДОЯТОВ
ёзиб олди.



Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» фестивалида иштирок қилган халқаро мусиқа ансамбли аъзолари суратга оlingan.

МИЛЛИЙ МУСИҚА АНЪАНАЛАРИ — ОЛИМЛАР НИГОҲИДА

Самарқандда «Шарқ тароналари» ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бошланди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев, Самарқанд шаҳар ҳокими Ф.Раҳимов, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Р.Абдуллаев ва бошқалар бу йил ўн биринчи марта ўтказилаётган мазкур фестиваль дунё халқлари миллий мусиқа санъати тарихини, анъаналарини, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Тадбир доирасидаги халқаро илмий-амалий конференциялар эса бу борда санъатшунос олимларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига хизмат қилмоқда.

Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этишга бағишланган бу галги

анжуманда Афғонистон, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Грузия, Италия, Индонезия, Канада, Корея Республикаси, Латвия, Литва, Тожикистон, Украина, Эрон, Япония, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан таниқли мусиқашунос ва тарихчи олимлар, санъаткорлар ўз маърузалари билан қатнашмоқда. Конференция дастуридан юртимиз олим ва тадқиқотчиларининг мавзу юзасидан чиқиши ва тақдимотлари ҳам ўрин олган.

— Фестиваль доирасида Шарқ халқлари мусиқа маданияти тарихи, анъаналари бўйича илмий анжуманлар ўтказиш яхши анъанага айланди, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқий шарқшунослик кафедраси мудири С.Бегматов. — Бу орқали нафақат юртимиз олимла-

ри, балки хорижлик мутахассислар ўз илмий-тадқиқот ишлари ҳақида маълумот бериб, ўзаро фикр алмашмоқда, янги гоя ва ташаббусларни ўртага ташламоқда. Бу йилги илмий анжуман Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарга бағишланди. Чунки бутунги глобаллашув даврида миллий мусиқа, кўшиқчилик анъаналарини асраб-авайлаш, давом эттириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишда мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилаётган, лекин бу борда бошқа давлатларнинг тажрибаси, улар қандай тадқиқот ишлари олиб борапти — икки кунлик анжуманда ана шу саволларга жавоб топишга ҳарakat қиламиз.

Конференциянинг «Тарих ва мерос» деб номланган биринчи мажлисида хорижлик олимларнинг Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг ўзаро боғлиқлиги, Ўзбекистон мусиқа мероси: миллий анъаналарнинг сақланиши ва уларнинг ривожини, Эронда Наврўз анъаналари ва уларнинг бутунги кўриниши, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларда мусиқанинг аҳамияти, афғон анъанавий мусиқалари, Олтой ва Жанубий Сибирь

халқлари санъати, форс ва араб мусиқаси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ва илмий анжуманда қатнашиш мен учун катта шараф, — дейди тайландлик мусиқашунос олим Анант Наркконг. — Чунки ушбу тадбир бутунги кунда жаҳон миқёсидаги нуфузли санъат форуми ҳисобланади. Илмий конференцияда мента нафақат Таиланд халқи, шу билан бирга Сингапур, Индонезия, Малайзия халқлари мусиқа маданиятига оид қадимий кўшиқчилик анъаналари юзасидан тақдимот ўтказиш учун имконият берилганидан хурсандман. Мазкур йўналишда олимларимиз томонидан кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва маълум бир натижаларга эришилди ҳам. Биз келгусида ушбу анъаналаримиз билан «Шарқ тароналари» фестивалида иштирок этиш ниятидамыз.

Халқаро анжуман давомида бир қатор давлатлар мусиқачи ва санъатшунос олимлари томонидан тақдимотлар, маҳорат сабоқлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ФАРҒОНАДА УЙ ТҒЙЛАРИ

Шу кунларда Фарғона вилоятида кўша-кўша қувончли воқеалар содир бўлмоқда. «Истиқлол» кўп қаватли турар жойлар мавзесидagi 48 та хонадонда уй тўйлари нишонланди. Барча қулайликларга эга уйлар аҳолига ипотека кредити асосида берилди.

Фарғона шаҳрида эса 54 оилага мўлжалланган кўп қаватли иморат фойдаланишга топширилди. Уйлар давлатимиз раҳбарининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойишига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга берилди.

Шоира Эргашева ва Муродил Мамадалиев иккинчи гуруҳ ногиронлари. Оилада ўғиллари Муҳаммаджон улгаймоқда. Шу пайтгача улар амакисининг уйида тўртта оиланинг бири бўлиб яшардилар.

— Уй-жой қилиш учун кўп уринганман, аммо имкониятим чеклангани учун ҳаракатим зое кетди, — дейди Муродил Мамадалиев. — Халқ қабулхонасига қилган мурожаатим инобатга олинди, уй-жойли бўлганимиздан бошимиз осмонга етди. Бугун чи-накам бахт қандайлигини юракдан ҳис қиламман.

Марғилондаги 1-меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияла-



Муҳаммаджон ҚОДИРОВ олган сурат.

нувчиси Шермуҳаммад Дехқонов қурилиш коллежини тугатди. Аммо ҳамон ётоқхонада яшарди. Ушбу Меҳрибонлик уйининг яна бир собиқ тарбияланувчиси Темурбек Йўлдошев санъат ва хизмат кўрсатиш коллежини тамом-

лаб, уста бўлиб ишлаяпти. Умр йўлдоши Раънохон ва яқинда дунёга келган ўғли Бобуршоҳ билан ижарада турарди.

89 ёшли Тўланбой ота Аҳмедов кичик бир ҳовлида уч ўғил ва келинлар, 6 набира билан яшамоқда. Халқ

қабулхонасига қилган мурожаатларидан сўнг уларга ҳам янги уйларнинг калити топширилди.

Буфотима Домуллажонов ва шу пайтгача икки фарзанди, келини ва неваралари билан ижарада яшаб келган.

— Бизга янги уй берилишига ишонмаганим, — дейди у. — Йўқ, рост экан. Қўриб турибсиз, мана, бу янги уйнинг калити, ўз уйимизга эга бўлдик. Бундай эзгу ишлардан миннатдоримиз.

Янги уйларни топшириш маросими катта шодибанага айланди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давра суҳбати

БОЛАЛАР ОМБУДСМАНИ ҚАНДАЙ ИНСТИТУТ?

Тошкент шаҳрида болалар ва ёшларнинг (ўсмирлар) ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўшимча демократик механизми — Болалар омбудсмани мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакат ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, илмий ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбати икки қисмдан иборат бўлиб, маърузалардан сўнг секцияларга бўлинган ҳолда мавзу юзасидан баҳс-мунозаралар олиб борилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова ва партия Марказий Кенгаши бўлим мудири Нилуфар Юлдашева мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб жиҳатлари, соҳага оид хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим масала экани қайд этилди. Вояга етмаган болаларнинг катталар томонидан бузилаётган ҳуқуқларини тиклаш, имконияти чекланган болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, ота-оналар ва болалар ўртасидаги зиддиятчи ҳолатларни бартараф этиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда озик-овқат хавфсизлиги ва таълим-тарбия сифати каби масалалар ҳақида атрофича фикр алмашилди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикасида болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман институтини ҳуқуқий жиҳатдан асослаш ҳамда жорий қилиш бўйича Концепция қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
Мафкура ва тарғибот-ташвиқот
масалалари бўлими.

ЎЗХДП ҳаётидан

ФАҲРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

Мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб партияимизнинг барча даражадаги ташкилотлари жойларда «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори асосида тарғибот-ташвиқот тадбирлари, давра суҳбатлари ўтказмоқда. Уларда партия фаоллари, сиёсатчилар ҳамда кўпни кўрган нуронийлар фаол иштирок этиб, истиқлолнинг кадр-қиммати, халқимиз тақдиридаги аҳамияти ҳақида фикр билдиришмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Жиззах шаҳрининг «Учарик» маҳалла фуқаролар йиғинида Жиззах вилоят ва Жиззах шаҳар кенгашлари томонидан ўтказилди.

Тадбирда истиқлолимиз, унинг бекиёс неъматлари, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг кадр-қиммати ҳақида сўз юритилди. Ёшларга аниқ мисоллар асосида тушунча берилди.

Собиқ тузум даврида халқимизнинг ҳатто кундалик озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилмас эди. Бугун эса бундай маҳсулотлар асосан ўзимизда етиштириляпти. Мустақиллик неъматларидан ҳаммамиз бирдек баҳра оляймиз. Шу кунларнинг қадрига етиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун янада жон куйдириб яшашимиз керак, дейишди тадбирда сўз олган нуронийлар.

Вилоят мусиқали драма театри санъаткорлари ўзларининг куй-кўшиқлари билан тадбир иштирокчиларининг кўнглини шод этди.

Тадбир якунида кам таъминланган оилалар вакиллари, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган кишиларга совғалар топширилди.

Ҳусан АБДУНИЯЗОВ

Мана, бу янги уйнинг калити, ўз уйимизга эга бўлдик. Бундай эзгу ишлардан миннатдоримиз.

Дехқонобод калийли ўғитлар заводи унитар корхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда вилоят ва туман партия кенгашлари фаоллари, депутатлар, корхона ишчи-хизматчилари, партия электорати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

САВОБДАН ЧЕТДА ҚОЛМАНГ!



Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятида кенг қўлмилиш олохотлар амалга оширилиб, шаҳар ва қишлоқлар замонавий қиёфа касб этди, йирик ишлаб чиқариш қувватлари, турар жойлар, йўл ва кўприклар барпо этилди.

Дехқонобод калийли ўғитлар заводи унитар корхонаси ҳам шулардан бири ҳисобланади. Йилдан-йилга ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бораётган ушбу корхона маҳсулотлари бугунги кунда ўндан зиёд хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Заводда меҳнат қилаётган 1800 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Дехқонобод калийли ўғитлар заводи унитар корхонасида 25 август куни ўтказилган театрлаштирилган байрам тадбирида заводда меҳнат қилаётган беш нафар ишчи ҳамда туманда яшовчи икки-та оила фарзандларининг никоҳ тўйлари

ўтказилди. Янги турмуш қурган келин-куёвларга уй-жой ажратилиб, ҳар бир янги оилага телевизор ҳамда бир миллион сўмдан мукофот пули берилди.

Тадбирда ўн нафар болажоннинг суннат тўйи ўтказилиб, уларнинг ҳар бири учун Халқ банкидаги омонат дафтарчасига беш юз минг сўмдан маблағ қўйилди. Уларга 10 та велосипед, шунингдек, 20 нафар болага янги ўқув йилида мактабга боришлари учун тўлиқ кийим-бош ҳамда ўқув қуроллари соғва қилинди.

Кам таъминланган оилаларни тадбиркорликка ўргатиш мақсадида уларга 5 бош қўй ҳамда қасаначилик билан шуғулланиш учун 5 тикув машинкалари берилди.

Тадбир якунида таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Музаффар ТУРОПОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят
кенгаши раиси ўринбосари.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ



юртдошларимизни
Истиқлол байрами
билан
муборакбод этади!



«Ўзагросуғурта»


акциядорлик жамияти

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ жамоаси

мамлакатимиз аҳли ва
ҳамкасбларни Она Ватанимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
26 ЙИЛЛИГИ
билан табриклайди!



Хизматлар лицензияланган.



STEKLOPLASTIK

1995 йилдан буён фаолият кўрсатиб
келаётган Самарқанд туманидаги

«STEKLOPLASTIK»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни
мустақиллик байрами
билан қутлайди!

«STEKLOPLASTIK» айна пайтда асосан тиббиёт муассасалари ва
таълим даргоҳлари учун махсус жиҳозлар, офис мебеллари, спорт
анжомлари, жами 300 дан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб
чиқараётганини маълум қилади.

Корхона 2007 йилдан буён халқаро 9001:2008 сифат менежментига эга.
Маълумотлар www.Stekloplastik.uz сайтда.



Маҳсулотлар сертификатланган.

«Ўзпахта саноат холдинг» компанияси ва
«Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги




«URGANCH YOG'-MOY»

акциядорлик жамияти жамоаси



Халқимизни
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
26 ЙИЛЛИК

айёми билан қизғин муборакбод этади!



Маҳсулотлар сертификатланган.



TOSHRANGMETZAVOD



26

Азиз юрtdошлар!

«Тошрангметзавод» АЖ жамоаси
сизларни Ўзбекистон мустақиллиги
куни билан қутлайди!

Маҳсулотлар сертификатланган.



«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти тизимидаги

«14 SON RELS PAYVANDLASH POYEZDI
UNITAR KORXONASI» жамоаси

юрtdошларимизни

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ

билан
табриклайди!



Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни энг улуғ,
энг азиз айём —
Ватанимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЙИГИРМА ОЛТИ
ЙИЛЛИГИ
билан табриклайди!

Хурматли ватандошлар!

Ипотека-банк

Сизни Ватанимиз мустақиллигининг

26 йиллиги

билан муборакбод этади!

ИПОТЕКА BANK

www.ipotekabank.uz

Imkoniyat yaratamiz

Хизматлар лицензияланган

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.

Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.

Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:

Бosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838
9236
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:00
Topshirilgan vaqti — 23:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5